



Дарвиш Алибек - Алишер Навоийнинг укаси. Манбаларда Дарвишалибек Китобдор, Амир Дарвишали, Низомиддин Дарвишали сингари номлар билан тилга олинади. Аввал китобдор бўлиб хизмат килган. Бир оз вақт ўтгандан сўнг Султон Хусайн уни мухрдор этиб тайинлаган (бу воқеага “Дарвишали мухр зад” деб таърих айтилган, милодий 1480-81-й.га тўғри келади). Кейин бек бўлган, маълум муддат улуг беклар сирасида ҳам турган. Балх вилоятига ҳоким этиб тайинланган. Мажиддиннинг Алишер Навоийга қарши фитналаридан норози бўлиб, бош кўтарган. Алишер Навоий ва унинг дўстларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Дарвишали афв этилиб, яна Султон Хусайнга итоатда давом этган. Бирок бу воқеада Дарвишалини Хисор ҳокими Султон Махмуд Мирзо кўллаб-қувватлагани учун Султон Хусайн Кундуз ва Хисор вилоятларига юриши чоғида (1490 й.) уни Балх ҳокимлигидан бўшатиб хибсга олган. Маълум муддатдан сўнг Дарвишали озод қилинган ва яна Султон Хусайн беклари сафида фаолиятини давом эттирган.

Дарвишали акаси Алишер Навоий бошлик прогрессив кучларнинг сиёсий курашини кўллаб-қувватлаган. Мамлакатда тинчлик ўрнатиш, ўзаро феодал урушларга барҳам бериш борасида саъй-ҳаракат қилган. 1498 й. Машҳадда ҳоким бўлиб турган Кепак Мирзо отаси Султон Хусайнга қарши исён кўтарганда Кепак Мирзо билан музокаралар олиб бориб, ҳар икки томон учун мақбул бўлган шартлар асосида сулҳ тузилишига эришган.

Алишер Навоий вафотидан сўнг Дарвишали истеъфога чиқиб, Балх вилоятига қаршли Файзобод қишлоғида яшаган. 1503 й. Шайбонийхон Балхга ҳужум қилганда Дарвишали Шайбонийлар билан Темурийлар ўртасида элчилик қилган.

1512 й. Бобур Самарқандни олганда Дарвишали у билан бирга бўлган, аммо кейинги тақдири маълум эмас.